

«Дўстлик ва қардошлик шаҳри!» — бу чиройли таърифига бўлиб қолмасдан, том маънода Тошкент, тошкентликлар маънавиятининг ҳақиқий ифодаси ҳамдир. Умуман Узебекистон, шу жумладан Тошкент шаҳри миллий келишмовчиликлардан ҳолидир. Мустақилликка эришган давлатимиз ўз фуқароларининг миллати, тили, эътиқодидан қатъи назар тўла кенг ҳуқуқли эканликларини эълон қилди.

Шу билан бирга миллатлараро муносабатлар муттасил тараккил этиб, такомиллашиб бориши табиийдир. Марат ойда «Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар маданияти» мавзусида ўтказилган мўлжалланган илмий-амалий конференция ҳудди шу масалаларга бағишланади. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, республика байналмилал маданият маркази ҳамда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ушбу анжуман ташкилотчилари бўдилар.

Биз анжумандан қўзланган мақсадларга жавоб беришни сўраб ун ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси Хотам Абдураимов ва республика байналмилал маданият марказининг директори Карим Расулвга мурожаат этдик.

— Хотам Маҳкамович, республикамизда фаолият кўрсатаётган 80 та миллий-маданият марказлардан ярмидан кўпроги Тошкент шаҳрида рўйхатга олинган. Ҳокимлик улар билан қандай ҳамкорлик қилмоқда?

— Энг аввало бизда миллий-маданият марказлар пайдо бўлиши тарихини эслатиб ўтмоқчи эдим. Маълумки, 1989 йилда Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинди. Уни ишлаб чиқариш ва лойиҳани муҳокама қилиш

ри ва иқтимоий ҳолатларидан қатъи назар Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатимизда тинчлик ва тотувликни сақлашга қаратилган сиёсатини ақдидлик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Ҳозирги пайтда биз ислохотларнинг янги босқичига қадам қўйдик. Бу ҳал қилувчи босқичдир. Олдимизда турган улкан ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун энг аввало кўп миллатли жамятимизнинг ақид булиши жуда муҳимдир. Биз барча миллат вакиллари Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқаролари сифатида амалга ошириладиган ўзгаришларга ўз ҳиссаларини қўшишларига ишончимиз қомил. Улар ҳаммиша бўлганидек энг катта бойлигимиз тинч-тотувлик, миллатлараро дўстликни янада мустаҳкамлаш учун астойдил ҳаракат қилишлари ҳам шак-шубҳа йўқ.

— Карим Расулвчи, анжумани ўтказиш билан боғлиқ кўпгина ташкилий ишлар марказ томонидан амалга ошириляпти. Конференцияга тайёргарлик қандай бормоқда?

— Биз ишга жиддий киришганмиз. Анжуман байналмилал маданият марказимизда ўтказилиши мўлжалланганга ҳам зиммамизга катта масъулият юкляпти. Ҳозирда марказ биносини пухта таъмирладиқ. Ҳозирги пайтда республика миллий-маданият марказлари фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмани тайёрляганмиз. Анжуманнинг ҳар бир қатнашчиси у билан ақиддан таниқилди имконига эга бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, конференцияда миллий-маданият марказлар вакиллари билан бир қаторда вилоят ҳокимларининг уринбосарлари, олимлар, вазирлар ва идоралар мутахассислари ва журналистлар иштирок этадилар. Улар миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш соҳасидаги тажрибаларини баҳам қуришлариға умид қилганмиз.

Миллий-маданият марказлар ҳам бу соҳада муайян таърифага эга. Шуниси диққатга сазоворки, миллий-маданият марказлари ўз маданиятлари ва тилларини ривожлантириш масалалари билан шуғулланар эканлар, фақат шу муаммолар билан чеклиб қолмаяптилар. Улар ўз кеча ва байрамларига бошқа миллат вакиллари ҳам таклиф этадилар. Мустақиллик куни, Науруз, Гала кунларини биргаликда нишонлаш аънаънага айланб қолди. Шу тариқа турли миллат вакиллари ўз маданиятлари, урф-одатларини тарғиб қилиш билан биргаликда бошқа миллатлар маданиятидан ҳам баҳраманд бўляптилар.

— Анжуманда биринчи тўлганган тажрибаларни умумлаштириш билан чеклиб қолмасдан, фаолиятни янада яхшилаш юзасидан тавсиялар ҳам ишлаб чиқилса керак?

— Албатта. Бундай тавсияларни бизнинг марказимиз ҳам тайёрляпти. Жумладан, биз миллий маданиятларни ривожлантириш буйича республика жағмараси ташиқл этишни таклиф қилмоқчимиз. Гап шундаки, биз ҳозир жамоатчилик ташиқлоти мақомига эгамиз. Шу сабабли бирор тадбир ўтказиш учун бошқалардан доимо ёрдам сўрашга мажбурмиз. Турги, ҳар сафар бизда ёрдам кўрсатишмоқда. Лекин жағмарга ташиқл этилиши молиявий аҳволимизни мустаҳкамлаган бўлар эди. Жағмарга ҳузурида ўз тижорат корхоналариникини ташиқл этишнинг ҳам мулкчи бўлар. Бу жағмарларга қўмийлар ҳам маблағ ўтказишлари мумкин эди.

Умуман, ҳозирги пайтда миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш жамятимиздаги барқарорликнинг гаровидир. Анжуманимиз ҳудди шу эзгу мақсадларга хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ.

Ҳамкасблари даврасида унинг номи ҳаммиша ҳурмат билан тилга олинади. Илҳом ака Фозиловни билганлар, ширин сўхбатидан баҳраманд бўлганлар, беназир ёрдамни туйганлар унга ҳаммиша шундай муносабатда бўладилар.

Қаранг, йиллар карвони билан қадам-бақадам бориб, дунёда ҳалоллик, эзгулик, тугрисузлик фазилатларини ўзида сингдирган бу инсон бугун кўл-қўли 70 ёши қаршиляпти. Тинимсиз меҳнат, ижод ва яратиш иштиёқи билан ёнган Илҳом аканинг бугун сочларига оқ оралаган бўлса-да, лекин руҳияти тетик, қурилиши бардам. Унинг ёшларга хос ҳаракатчанлиги ҳамон сақланиб қолган. Бугун унинг энг яқин дўстлари кўлугу ёши билан табриқлашмоқда. Улар орасида ёзувчи-ю журналистлардан тортиб, оддий касб эгаларигача бор.

Инсон руҳи олами чаман бўлса, унинг меҳнат фаолиятини бир гулшанга қийёс этгулик. Аслида, одамнинг қилмигини, нималарга қодирлигини элга ошқор эътидан ҳам ана шу меҳнат. Агар касб ҳақида гап кетгудек бўлса, ҳамкасблари Илҳом ака Фозиловни моҳир журналистлигидан ҳам олдин унинг ўткир таржимонлиги ҳақида сўз юритишди. Чиндан ҳам ундаги бу истеъдод 1948 йили Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тамомлаб, Партия тарихи институтининг таржима қилиш шўбасига илмий ходим сифатида ишга юборилганидаёқ намоён бўлганди. Кейинчалик Ўзбекистон телеграф агентлигида ишлаб юрган кезларида унинг бу қобилияти янада такомиллашиб, юксалди.

Агар республикада кўзга қуринган машҳур таржимонлар билан сўхбатлашсангиз, улар ҳам ҳуқумат қарорлари, олий мақомдаги сессиялар хужжатларини ўзбек тилига ағдаришда Илҳом Фозиловдек маҳоратли истеъдод соҳиблари кам топилшини тани олишди.

— Мен рус тилини чин ихлос билан эгалладим, ундаги бебаҳо бойликларни шундайлигича, ўзбек китобхона

Ҳамкасбларимиз йиллар карвони



ларига етказиб беришга ҳаракат қилдим, — дейди Илҳом ака. — Шу мақсадда, русча юздан ортик ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, тарихий, ахлоқ-одоб мавзусидаги китоблар, рисоалар, дарсликларни ўзбек тилига таржима қилдим. Улар ичида назарий асарлардан тортиб, бадиий адабиётларгача учратиш мумкин. Бу асарлардан айниқса «Она мадҳияси», «Одоб — энг яхши зийнат» сингари таржима китобларим қайта-қайта нашр этилган.

Илҳом Фозилов ўзбек таржимачилигида ўзига хос мактаб яратиш билан бирга «Совет Ўзбекистони», «Ўзбекистон физкультурачиси» газеталари ва «Партия турмуши» журналларида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, матбуотимиз ривожига улкан ҳисса қўшди. Умуман у бутун умрини шу соҳага бағишлаган изланувчан, қуйиб-ёнусчан қалам соҳибларидан.

— Ҳар бир илм аҳлининг ўз устозлари бўлганлик, менинг ҳам тилга олса арзигулик мураббийларим бор, — деб эс-

лайди Илҳом ака. — Бугунги қувончли кунда уларнинг номини тилга олмасам бўлмайти. Матбуотимиз жонқурлари ва таржима санъатининг фидойиларидан бўлмиш Рихси Соҳибов, Рустам Абдураҳмонов, Шариф Толибоев, Лутфулла Муродовлар шулар жумласидандир. Бу устозларим бағри кенглик билан менга таржимачилик сирларини ўргатди.

Илҳом аканинг ажойиб хислатларидан бири эрта тонгда туриб ишлашни ўзига одат қилиб олганлигида. «Бунинг ҳосияти кўп, чунки сахарда инсон фикри тиниқ, эҳзини ўткир бўлади» дейди унинг ўзи бу хусусда гап кетганда. Шунинг учун у ишга барвақт келиб, дундириб қўяди.

Илҳом Фозилов ҳалолликни қадрлайди, инсонларга ҳаммиша меҳр-оқибат кўрсатади. Хурсанд бўлган чоғларида чин дилдан қулади, ноҳақликни сезганда маъносиз тортиб, қуюнади. Энг муҳими бирорнинг ортидан ёмонлаб, унинг шаънига бадном сўз айтмайди. Дусту ёрларига, шогирдларига дилда борини очқ айтмайди.

Истеъдодли таржимон ва журналистнинг кўп йиллик самарали меҳнатлари муносиб тақдирланган. У икки марта Ўзбекистон Олий Кенгашининг Фахрий ёрлигини олишга сазовор бўлган. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига эга. 1958 йилдан бери Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Гарчи моҳир таржимон, журналист Илҳом ака Фозилов 70 баҳорини қаршилаган бўлса-да, ҳамон изланишда. Биз иноқ оила соҳиб, икки ўғил ва уч қизинг отаси бўлиши меҳри дарё инсон Илҳом ака ва унинг умр йўлдоши кекса журналист Комила опаларга узоқ умр, ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси утган йили Англиянинг Форнборо, Франциянинг Ля-Бурже шаҳарларида ўтказилган халқаро авиасалонларда қатнашди. Сўнг Алматыда ўтказилган авиасалонда учин хусусиятларнинг барқарорлиги билан «Ил-114» ҳаво кемаси Американинг «Авиэйшн-ВИК» корпорацияси вакиллари ҳам лол қолди.

Айни пайтда Жанубий Кореянинг «Халла-Инжиниринг» фирмаси бу янги йўловчи самолётини биргаликда ишлаб чиқариш учун бирлашма билан битим тузиш истақларини билдирмоқда.

Олтиш тўрт уринли «Ил-114» йўловчи самолёти корхонанинг ишлаб чиқаришга киритилган янги маҳсулотидир. Лекин, барибир корхона-

Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт чет элликларни поқ қолдирди

нинг фахри «Ил-76» самолёти бўлади. Утган йилда тошкентлик авиасозлар навбатдаги «Ил-76» ҳаво кемасини ҳавога кўтардилар. Бу воқеа декабрь ойида бирлашма тарихи зарурақариға киритилган бўлса, «Ил-76 ТД» биринчи марта бундан 11 йил аввал ўз товуши билан борлиқни гуркираттанди.

Уша пайтлардан бери улкан ҳажмли, оғир юкларни ташувчи бу самолёт истеъмолчиларда катта қизиқиш уйғоти келмоқда.

Узоқ масофаларга юк ташувчи, фазогирлар машгулотлари ва коинот тадқиқотларини ўтказувчи, ўт учирувчи авиация техникасини ҳавода ёниги билан таъминловчи самолётлар модификациялари ҳам «Ил-76» асосида ишлаб чиқарилмоқда.

Яна бир «Ил-76» самолёти эса чет эл фирмаларининг самолёт кузгатувчиликнинг синовчи лабораториясига айлан-тирилган. Бир сўз билан айтганда корхона «ҳаво кема»лари аъло даражада ўқиб, ва қўшни хусусиятларига эга. Ҳар қандай об-ҳаво шaroитларда ҳам бутун Ер қурраси бўйлаб фойдаланилмоқда.

Шунинг учун бу техникани Ҳиндистон, Хитой, Арабистон, Куба каби кўплаб мамлакатлар сотиб олмоқдалар. Масалан, утган йилда самолётни Россия, Қозғистон, Тожикистон, Хитой ва Ҳиндистон мамлакатлари сотиб олдилар.

Бугунги кунги техникавий такомиллик даврида вақт доимо ўзгаришларни талаб қилмоқда. Бирлашма конструкторлари Москванинг Илюшин фирмаси конструкторлик бюроси ходимлари билан биргаликда ҳозирги ишлаб чиқарилаётган «ҳаво кема»ларидан олти ярим метр узун бўлган янги самолётни яратдилар. Утган йилда бу қашфэтини амалга ошириш учун корхонада ҳамма шaroитлар яратилди. Бу йилнинг июлида эса бу самолёт Франциянинг «Ля-Бурже» авиакўргазмасида учди.

Бундан ташқари утган йилда «АН-70» самолёти яратишга йўналиш олган уч давлат — Украина, Россия, Ўзбекистон уртасидаги битим асосида корхона Киев авиация заводи учун бюртмалар олди. Тошкентлик авиасозлар томонидан йиғилган биринчи қанотлар утган йил декабрь ойида юқоридаги самолётни илк бор ҳавога кўтарди. Бирлашма баш директори Василий Журавлевнинг сузлари билан айтганда, корхона ҳам аше танқислиги ва бошқа давлатлардан олинувчи тайёр маҳсулотлар камбўлиги, тулов ҳисобларининг бошқа давлатларга ўтказиш қийинчиликлари ва ўз маҳсулотларини савдога қўйишдаги тангликлар авжига чиққан пайтда фаолият кўрсатди. Ҳозирда бу муаммолар корхона олдига турган долзарб масалалардир. Ҳозирги кунда уларни ижобий тарзда ҳал этиш эса корхона маъмурияти кун тартибининг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда.

Яна шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, корхонада меҳнат қилувчан малакали ишчи ва хизматчиларга эътиборнинг қучлилиги туфайли улар бирлашма янгида-янги чуққиларга олиб чиқмоқда.

Илҳом ЭШМАТОВ.

Воқеа арафасида ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ

даврида ечилиши керак бўлган кўпгина муаммолар юзга чиқди. Ушунда қонун йўли билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан бир қаторда бошқа миллатлар вакиллариға ўз миллий маданиятлари ва тилларини ривожлантириш қарорлари ҳам берилди. Ҳудди уша пайтда иқроия ҳокимият идораларининг бевосита иштирокида миллий-маданият марказлари ташкил этила бошланди. Ушунда шаҳар ҳокимлигида миллатлараро муносабатлар бўлими ташкил этилди. У ҳозирги пайтда ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Бунинг давлат идораларининг поитахтиимизда истиқомат қилувчи турли миллат вакиллари нафақатларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик ташкилотлари билан алоқасини таъминламоқда.

Ҳокимлик миллий-маданият марказлар билан биргаликда турли тадбирларни ўтказмоқда. Бу марказлар муаммоларини ҳал этишда тенгшиш ёрдам кўрсатишмоқда. Шунга қарамайдан бугунги кунда ҳам ўқув-ўқитиб, ишлаб бериш, миллий тилларни ўргатадиган ўқув-қўлланма этишмапти. Бу муаммоларни ҳокимликнинг ўзи ҳал қила олмаслиғи тушунарлидир. Шундай бўлишиға қарамайдан шаҳарда ўнлаб миллий тилларда дарс олиб бориладиган яқинба кунги мактаблар ишлаб турибди. У ёки бу миллат вакиллари эши яшаيدиган жойларда тилини ўргатиш буйича машгулотлар ташкил этиляпти.

Сўнги йилларда республикада Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллатлар вакиллариинг маданият эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқгина баш тажриба тулпанган. Бу тажрибани умумлаштириш, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб янгидан мушоада этиш зарурати туғилмоқда. Илмий-амалий анжумандан қўзланаётган асосий мақсадларнинг бири ҳам ҳудди шундан иборат. Бундан ташқари биз учун ҳорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ҳам фойдаланган ҳоли эмас. Чунки жаҳонда аҳолиси кўп миллатли бўлган мамлакатлар оз эмас.

Миллатлар ва фуқаролар тотувлиги дийризмиздаги тинчлик ва барқарорликнинг қаролатидир. Республикаимиз фуқаролари миллатла-

ЕР ОСТИ ҚАСРИ УЧУН

Ер ости қасрининг янги йўналишларини бунёд этишда қатор йирик санаят корхоналари ҳам муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Бунинг учун Тошкент метрополитени республикамиздаги 20 дан ортик корхоналар билан ҳамкорлик шартномасини тузди.

Электротехник мосламалар ҳам кўплаб тайёрланмоқда. Тошкентдаги «Узэлектроаппарат» корхонаси бундай бюртмани ўз вақтида эди адо этиш қилишди. Корхона ҳозир метросозларга эллик турдаги бу хил мосламаларни етказиб бериш билан шуғулланмоқда. Чирчиқдаги трансформатор заводи ҳам Тошкент метроси билан ҳамкорлик алоқасини боғлади. Узаро тузилган шартномаға бинаоан ерости транспорт йўли учун кўплаб қуруқ трансформаторлар ишлаб чиқарилмоқда.

Бундай трансформаторларнинг «ТСЗ-250» русумидан 150 та шу йил етказиб берилди. Бундан ташқари метрополитен «Узакадемас-боб» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳам шартнома тузди. Метрополитенининг телемеханика ва телебошқарув қурилмаларини ўрганишда бу ҳамкорлик қўл келмоқда. Бирлашма мутахассислари бу борада мет-

росозлар билан бамаслаҳат иш тутиб, телемеханика ва телебошқарув қурилмаларини жиҳозлашнинг илгор усулларини қўллаш тадбирларини кўрдилар.

Санкт-Петербургдаги «Эскалатор» бирлашмаси ҳам ўз ваъдасининг устида чиқиб, дастлабки эскалаторларни Тошкентга етказиб берди. Метрода электромеханика хизмати кенг йўлга қўйиш жараёнилари ҳам режалашмоқда амалга оширилмоқда. Турли қувватдаги электродвигателларни созлаш ҳам кўнгилдагидек ташкил этилди.

Акбар АЛИЕВ.

Аҳолининг турмуш даражаси кўп жиҳатдан маиший хизмат қай йўсинда кўрсатилаётгани, хизматнинг энг зарур ва камбў турлари ҳақидаги чўқур сингдирганга боғлиқ. Давлатимиз мустақилликка эришган бу борада сезиларли ўзгаришлар қилинишиға имконият яратилди. Бинобарин, ҳорижий ишбилармонлар билан ҳамкорлик, чет эл технологияси, мураккаб маиший хизмат техникаси ва хизмат кўрсатишдаги англикларни жорий этиш даъ самарасини бермоқда.

Бундан бир неча ойгина илгари республикамиз маиший хизмат кўрсатиш тармоғининг вакиллари Францияда бўлиб, бу қордаги илгор иш услублари билан яқиндан танишиб қайтган эдилар. Ушунда «Филиппс», «Пьер Гарден», «Аззаро», «Мисшор», «Матра», «Дюк», «Сапсон» каби нуфузли фирмалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳақида келишиб олинганди. Айниқса электрон маиший хизмат техникасини йиғиш, электрон асбобларга батареякалар ишлаб чиқариш, эр-кақлар ва аёллар қўлакларини тикшиш, кийимларни қимёвий усулда тозалаш, мураккаб маиший хизмат электр техникаси ишлаб чиқариш, эр-кақлар, аёллар ва болалар пойабзаллари тайёрлаш ва бошқа кўплаб соҳалар буйича биргаликда қўшма корхоналар тузишга яхши натижа бериши таъкидланган эди.

Мана, орадан ҳеч вақт ўтмай «Узмаишийхизматушма» таклифига кура француз тадбиркорларидан бир гуруҳи, хусусан Европа иқтисодий ва маданий алоқалар Маркази президенти Моник Лангоннек, кичик ва урта индустрия корхоналари Федерацияси баш директори Жерар Дюрст, ушбу федерация адоқати Пьер Денжак ва «Легер» фирмасининг тижорат буйича директори Вероника Пуссонлар Тошкентга келишди. Улар поитахтиимизда фаолият кўрсатган аҳолиға маиший хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг раҳбарлари билан учрашдилар.

«Узмаишийхизматушма» раъсатининг раиси З.Собиров меҳмонларни кутлаб, ҳар икки

Ўзбекистон ва жаҳон французлар билан ҳамкорлик

мамлакат уртасида маиший хизмат соҳасида қўйилган дастлабки қадамлар, ривожланиб бораётган алоқалар туғрисида гапирди. Улар эътиборини шахримиздаги мулкчиликнинг турли шакллариғи корхоналарнинг мавқеи, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида шаклланиб бораётган хизмат турлари, янгидан барпо этилаётган иш уйларининг аҳамиятиға қаратди. Шундан сўнг француз ишбилармонлари мураккаб маиший хизмат техникасини созлаш буйича «Мархабо» хисса-

«Сарбон» фирмаси ва «Меҳнат» жамоа корхоналаридан бугунги кунда тайёрланаётган маҳсулотлар, қўшма корхоналар тузиш борадасида мавжуд имкониятлар, ишлаб чиқариш майдонлари, жиҳозлар, ишчи кучлари туғрисидаги маълумотлар билан танишдилар.

Француз делегацияси вакиллари билан Моник Лангоннек, Жерар Дюрст ва Вероника Пуссонлар сузга қичишиб йиғилганларга дустона қабул, ишбилармонлик учрашуви ташкил этишгани учун миннатдорчилик билдириш-

Шайхонтохур туманининг Самарқанд дарвоза кучасида эски шаҳарликлар учун иккита уйда қурилиш-тиклаш ишлари олиб борилаётган эди. Шулардан бири фойдаланишга топширилганлиги ҳақида ҳам хабар берилганди. Яқинда ана шу турар жой бинасиға хонадон эгалари кучиб кира бошлади.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш туғрисида»ги қарорини бажаришда шайхонтохурликлар ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда, — дейди туман ҳокимининг уринбосари Алишер Эргашев. — Юқоридаги уй қуриб битказилганлиги фикринининг далилидир. Бу ишни «Тошкент-уйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли йирик ҳажмли-блокли уйсузлик комбинати қурувчилари амалга оширишди. Ҳозирги кунда бинокорлар томонидан кучада яна битта уйнинг 3-4 қаватларида қурилиш-тиклаш ишлари олиб боришмоқда. Бу уй ҳам 9 қаватли бўлиб, 90 хонадонга мўлжаллангандир. Бунёдкорлар мазкур турар жой бинасини март ойи охиригача тула қуриб битказишни ўз зиммаларига олишган.

Туманимизнинг генерал Узоқов кучасида эса бирварақайига 6 та уйда бинокорлик ишлари олиб боришмоқда. Буларнинг ҳаммаси 240 хонадонға мўлжаллангандир. Бу — уйлар битгандан кейин яна шўнча

эски шаҳарликлар бошпанали бўлади, дегани. Яқинда кучада 6 ва 8-рақам билан номланган иккита уй фойдаланишға топширилди. Бу ишни 1-уйсузлик комбинатининг 26-қурилиш бошқармаси азаматлари амалга оширишди. Улар бинада пардозлаш ишларини ҳам қойилмақом қилиб бажаришди.

Бирининг умумий сатҳи 1 минг 584 квадрат, иккинчисининг 3 минг 106 квадрат метрни ташкил этган уйларда кишиларнинг яшашлари

Эски шаҳар ёшаради ХОНАДОН ЭГАЛАРИ КУЧИБ КИРИШМОҚДА

учун барча шарт-шaroитлар мавжуд. Бинонинг ҳар бир хонадони 1 дан 5 хонагачадир. Бунда эски шаҳарликларнинг кўп фарзандчилиги ҳисобга олинганлиги билиниб турибди. Бугунги кунда Тошкентнинг Эски шаҳар қисми аҳолисини уй-жой билан таъминлаш мақсадида туманда кўп ишлар қилинди. Юқоридаги мисоллар фикримизнинг далилидир. Кучада 7-уй номини олган турар жой бинасида ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бу ишни ҳам юқорида номи тилга олинган бошқарма қурувчилари бажаришмоқда. Айни пайтда улар бирининг 3-қаватида қури-

лиш-тиклаш ишларини олиб боришмоқда. Умуман олганда бунёдкорлар утган ва шу йил 8 та уйда қурилиш-тиклаш ҳамда пардозлаш ишларини олиб бораётган эди. Ҳозирги кунга келиб шуларнинг 2 таси фойдаланишға топширилди.

Пойтахтнинг «Ганга» дўкони яқинида ҳам Эски шаҳарликларга аталган бина бунёд этилмоқда. Уйда қурилиш-тиклаш ишларини «Сифат» тажриба қурилиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг 75-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари амалга оширишмоқда.

— Бинонинг эски шаҳарликлар учун қуриладигани эътиборга олиб, қурувчиларимиз астойдил меҳнат қилишмоқда, — дейди бошқарма бошлиғи Абдулла Юсупов. — Нимаға деганда Вазирлар Маҳкамаси қарорида таъкидланганидек, пойтахтнинг Эски шаҳар қисми жуда қисқа муддат ичида қайта қурилиши ва обод бўлиши керак. Тор кучалар кенгайтирилиб, транспорт қатнови яхшиланиши, троллейбус йўллари қурилиши кўзда тутилган. Бузилган уй эгаларини эса корпорациямиз қурувчилари хонадон билан таъминлаши керак. Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда бинокорларимиз тез ва сифатли ишлашмоқда. Айни пайтда улар 12 қаватли турар жой бинасининг 9-қаватида қурилиш-тиклаш ишларини олиб боришмоқда. Бинонинг умумий сатҳи эса 4 минг 326 квадрат метрни ташкил этади.

Ғулмон ЮСУПОВ.



Сиз суратда қуриб турган уйни қурувчилар Эски шаҳарликлар учун бунёд этишди. Юқоридаги бригадир Самиг Қосимов эса бирининг сифатли чиққанидан жуда мамнун. Ҳаким Солиқов олган суратлар.

Дил тубидан

БОСГАН ИЗИ ТАБАРРУК

Қадимдан момоларимизнинг орасида матрифатли, оқила аёллар кўп бўлган. Уқини яхши билган, муқаддас китоблар, шарҳ албобити дурдоналаридан хабардор бўлган аёлларни айниқса ҳамма ҳурмат қилган.

Бундай аёллар ақлли, фолианклар билан бирга фарзанд тарбиясида, рўзгор тутишда қолганларга ўрнак бўлишган.

Муқорак Ҳадиси шарифда «Йаннат оналарнинг оғи остидадур», деб беиза айтилган. Одамзотга ҳаёт ато қилувчи, унинг кўнглини равшан этувчи, нафақат оилага, балки бутун муқтадир дийримизга ҳам аҳлилик, тотувлик, меҳр-оқибат бахш этувчи ҳам аёл эдилар.

Муқоракхон АЗИМОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутаты, «Фай» жиссасдорлик жамияти раҳбари.

ХИЗМАТЛАРИ БЕҚИЁС

Ҳаётимизга баҳорнинг илк даражаси каби кириб келадиган бу улут айими меҳр-муҳаббат, содиқат, нафосат байрами деб аташимиз айни ҳақиқатдир. Сабаби Ота табиат биз аёлларга муносиб, азгулик, гузаллигини абадий фаврият этиб бағишлаган.

Кутлуғ байрамлар, муқорак саналар арафасида инсон ҳақиқати утган кунларга ҳаётан назар ташлайди. Оиласи, фарзандлари, эҳторли истиқболни уйлаб, эртанинг кунга уминди режалар тузади. Шу сабабли юртимиз муқтадирлигини муқтадирлаш, юртимизнинг қудратини янада ошириш борасида хизматлари беқийёс.

Байрам арафасида барча она-сингаларимизга, онахоналаримизга сизат-саломатлик, хондонларига барака, бахт-саодат тилаймиз.

Гуачехра ЖАМИЛОВА, Ўзбекистон халқ артисти.

ОНА НИГОҲИ

Боболаримиз септишти йил вақтидан бир кунини оналар байрами деб белгилаганлар. Ва бу кун фурсат сирасида олтин ҳақиқат, алоҳида аҳамият касб этган.

Миялуки, Марказий Осиё қадимда оналик даврида гулаб-яшнаган. Она нигоҳи, она назаридан ҳеч нарса четда қолмаган. Шу сабабли бўлса керак жамият бу буюк хотуннинг урғунига қўйиб унинг учун барча масъулиятни бир кунгина Аёлнинг зиммасидан олиб унга эҳтиром суғуни қаратган бўлса ажаб эмас.

Азиза ЗАЙНИДИНОВА, фалсафа фанлари доктори.

ЭЗГУ ОРЗУПАРГА ЕТАЙЛИК

Қўлдан факатгина гулаб, гузаллик фасли бўлибгина қомай, балки байрамлар фасли ҳамдир. 8 март-Халқаро хотин-қизлар байрами эса кўкамнинг дастлабки кунларига тўғри келади. Ва ўз ортдан Наврўз, Ғалаба байрамларини эргаштириб келади.

Мен аввало она эканимдан, муқтадир дийримиз хизмати учун шай бўлган уи нафар фарзандни тарбиялаб, воқта етказётганидан беихоса фахрланаман. Мана бу йил экинлар билан иккинчи ўтганини уйлантиришмоқчимиз. Невара, звараларимнинг тўғини кўрсам дейман.

Истагим, барча ўзбек аёллари уларнинг энг азгу ва покиза орзуларига етсинлар.

Ҳалима ЙУЛДОШЕВА, уй бекаси, Қўҳрамон она.

КЕЛАЖАК БУЊЕДКОРЛАРИМИЗ

Миялуки, аждодларимиз авал-аввалдан аёлларга нисбатан чуқур ҳурмат, юксак меҳр-муҳаббат-ла боқиб келишган.

Жамиятимизнинг ҳозирги босқичида аёл-она-кеलाжак бунёдкорлари бўлган инсонга, уни иккинчи ҳимоя қилишга давлатимиз яддий эътибор бермоқда. Оиладаги тотувлик, ҳамжиқатлик, кўп яшадан аёлларимизга боғлиқ. Шу боис оила муқтадирлигини таъминлаш, аёлларимизнинг иккинчи ҳаётдаги туггани ва мавқени оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Байрам кунлари тилагим, ҳар қандай шароитда ҳам аёлларимиз гузаллигини, навоқат ва латофатини йўқотмасин.

Мастура ҒАФУРОВА, ижарадаги Тошкент матбаа корхонасининг хизматчиси.

Табрикларимизни қабул этинг

МУЙҚАПАМИМ ИЛҲОМЧИСИ

Аёлсиз дунёни тасаввур этиб бўлмайди. Бир лаҳзагина уйда аёлнинг меҳнати, латофати, меҳрибонлиги сезилмасдан қолса, қанчалар юрагимиз увишади. Биз эркаклар кўп нарсаларни қадрлашмаслиқ одатлашиб қолганмиз, барчасини одатий ҳол деб уйлаймиз. Лекин, асло ундай эмас! Аёлларга бўлган ҳурматимизни, муҳаббатимизни ҳар лаҳза изҳор этиб туриш керак деб уйлайман. Шунда олам янада ҳам гузаллашади.

Кўп йиллик ижодий изланишларим давомида анчагина муқтарам аёлларимизнинг суратларини чиздим. Рост гап, уларнинг чеҳрасидаги нурни, кўзларидаги шарм-ҳаёни ифода этиш учун озмунча қийналмаганман. Бир сўз билан айтганда — аёлларимиз ҳақиқата муйқаламимга илҳом бериб келган. Айни пайтда яратган энг яхши аёлларнинг чеҳрасини ифода этган суратларимиз гузаллик ҳақидаги юрагимдаги тугғилар деб ҳисоблайман. Ҳақиқат соғ-омон бўлинг, муқтарам аёлларимиз! Сиз борсиз, бизнинг ҳаётимиз ҳақиқата тўқис бўлади!

Раҳим АҲМЕДОВ, Ўзбекистон халқ rassоми.

ОҲАНГЛАР УММОНИ

Дунёдаги энг ажайиб қўшиқ қайсилигини биласизми? Бу — оналаримиз бешик теласида айтадиган алла. Таъбир жоиз бўлса, мен оналарни, умуман аёлларни энг ажайиб бастакорларимиз, энг ажайиб хонандаларимиз деб атагим келади. Чини билан ҳам қайси бир бастакор шу пайтгача она алласидек муқамал, она алласидек жозибали қўшиқ ярата олди экан?

Элимизнинг ардоқли санъаткорлари Берта Давидова, Ҳалима Носирова, Саодат Қўбулова, Насиба Абдуллаева, Юлдуз Усмонова, Қумуш Раззоқова, яна талай-талай элимиз суйган қўшиқчиларимиз бор. Уларнинг ҳар бир ижро этган қўшиғи ҳаётимиз ҳақидаги, муҳаббат ҳақидаги таронага ўхшайди. Чамаси уларнинг қалбиде бавад қўшиқ уммони бордек. Шу уммонни мавжлари бетакор оҳанглар бўлиб тугғилса ажаб эмас. Тилагим — сизнинг алангиз ҳақиқата бизни илҳомга қорлаб, янграб турсин!

Рустам АБДУЛЛАЕВ, Республика композиторлар-бастакорлар уюшмаси котиби.

ЭҲТИРОМ

Одатда аёлни таъриф қилганимизда уни она, сингил, опа деб улуғлаймиз. Аёл айни пайтда ишончли дўст, сунган тоғ ҳамдир. Сабаби, оилада барча ташвишларни бирга тортишадиган, «оғир юкнинг остидан, енгил юкнинг устидан» юрадиган аёл бўлади. Шу сабабдан ҳам қадим-қадимдан аёл оила устун деб унга катта эҳтиром қўрилган. Соғлиги, кайфияти, гузаллигига эътибор берилган.

Аёлларимизнинг бүгун бу борадаги камчиликлари деярли йўқ. Баҳор билан бирга анвойи либосларда кучаларни тўлдириб юрган аёлларни кўрсам, дилимда чуқур ҳурмат уйғонади. Ҳақиқат юртимизни табассумингизга, қалбимизни эҳтиромга, оиламизни кўт-баракага тўлдириб юраверинг, дегим келади.

Тоғай МУРОД, ёзувчи, Абдулла Қодирий номли Ўзбекистон давлат мукофоти соҳиби.

Дунё яхши, дунё гул дедим

Дунё ёмон деди ёмонлар, Яхшиларга этиб келгунча

Юрагимни еди ёмонлар. Қўшиқни тинглар экансиз, нигоҳингизга титраб турган гул урилади. Музиканинг сеҳри қанотиде ҳаммамизнинг кўз унгимизда гузал келажакимиз жонланади. Ёзи барчамиз шу она сайёранинг болаларимиз. У ҳақда қанча яхши гап айтсак ҳам оз. Яхшиликнинг йрмоғи яхши юраклардан оқиди. Юракларни асрайлик. Унга малҳам қўшиқлар айтилайлик. Шундай эзгу орзулар билан тинмай илзанаётган ёш хонанда Майсара Имомованинг номи қўшиқ мухлисларига анча танилиб қолди. «Мен сизни севмаганман» (Зебо Мирзаева сўзи), «Бир сиз билан, бир мен билан», «Дунё гул дедим» (Зулфия Мунинова сўзи), «Дуодинг болмага» (Улмас Жамол сўзи), «Севарман» (Иброҳим Жаинов сўзи), «Муҳаббат» (Умида Абдуваимова сўзи) каби бир қатор қўшиқлар ижросидаги кўйидаги саволлар билан мувожаат этдик.

Майсара, асли қаерликсиз, қўшиқ даргоҳига ким етказган, санъатнинг катта оламидаги устозларингиз кимлар?

Қўшиқ сеҳри

ДУНЁ ГУЛ ДЕДИМ



— Бухоро вилоятининг Когон шаҳриданман. Узлари санъаткор бўлмасларда, онам Роҳатой она мени Тошкентдаги Глиэр номли махсус музика мактабига катта умид билан бошлаб келган. У ерни тугатиб, Мухтор Ашрафий номидаги консерваторияга ўқишга кирдим. Устозларимдан бири — Ўзбекистон халқ хоҳиси Фаттоҳхон Мамадалиев бўладилар. Бағри дарё устозимдан ҳам урганадиган сабоқлар бир дунё.

— Мақом ижрочилари замонавий эстрада қўшиқларини ижро этганларга баъзан ажабланиб қарашди. Сиз бўлган нима дейсиз?

— Мен қўшиқчи ҳар томонлама товланиши керак, деб уйлайман. У рақсга ҳам тушиши керак, халқ қўшиқларини ҳам айтиши зарур, замонавий қўшиқлар ҳам айта билиши лозим, аммо барбир унинг икитидори мақом қўшиқларини қандай ижро эта билиши билан баҳоланади. Тўғри, мен ҳозир эстрада қўшиқларини ижро этаялман, лекин, мақом йулида ҳам қўшиқлар айтиб оҳанграмо тасмага туширялман.

— Қайси бастакор ва шоирлар билан ҳамкорлик қилаёсиз?

— Бастакорлардан Алишер Икромов, Ҳабибулло Шамсиев, Дилором Омонуллова билан билан ижодий ҳамкорлик қилаёлман. Ҳозирги кунда асосан шоира Зулфия Мунинова билан яқин ижодий мулоқотдамиз. Бу деганим ҳар бир сатр устида маслаҳатлашиб, фикрлашиб ижод қилаёлман.

— Бугунги кунда қаерда меҳнат қилаёсиз?

— Республика телерадиокомпанияси қошидаги «Тановар» рақс гуруҳида, яқка йрочи сифатида фаолият кўрсатиб келаялман.

— Келажакдаги орзуларингиз?

— Халқ қўшиқларимизни эстрада йулига солиб, Алматидеги халқаро «Осиё овози» кўрик ташловида қатнашим.

— Шу кунларда қандай янги қўшиқларингизни мухлисларга ҳавола этиш арафасидасиз?

— «Қўларни чўгли ёрим» деб номланган янги қўшиқлардан иборат кассетани ваёз тугатдим. Бу изланишлар натижаси яқин орада қўшиқ мухлисларига тўхта ётилади.

Нилуфар ОЧИЛОВА, ТошДУ талабаси.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшоми»нинг навбатдаги сони 10 мартда чиқади.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.



НАВОҚАТИ

Байрам шудостаси

БУ БАХТ — ВАТАНДИР

Ҳар кишига насиб этсин битта олий бахт. Не эрвудир ул олада зару олтин тахт. Ул олада оқиб эрвудир кўч, қонот, У ҳаётлар, у паймонлар, ул эрвудир. Инсон дароқ этган тоғ бу, Дилни ром этган меъроқ бу, Бу бахт — Ватандир. Мен Ватаним деганимда сокин юрагим Пўртанали уммонларга айланур Бехос. Мен Ватаним деганимда барча тилагим, Юлауз бўлиб бошим узра чарақлар қийғос. Ахир борму бундан улғу оламад пеша? Юрт севгини, халқнинг меҳрин тўйган ҳар бир қалб — Бахтдодир, нурга тўйлар ҳар дам, ҳаммиса. Бундан қалбни инсон элда аталавур Алп. Бу дунёда турп кўплар мерос деганимиз, Кимларгадир қошоналар, саройлар қоплар. Кимларгадир мерос қопур иш заргарнинг, Кимлар ота феъл-атворин мерос деб олар. Бу мерослар ичидеги энг буюк мерос — Шу алпларнинг қалбларига жо бўлур элмш. Бу — Ватан деб юракларни енгиларга хос. Бу улпм деб жон берганга жон бўлур элмш. Бундай мерос Спитаменнинг қониде жўшган. Бундай мерос Жалолиддин уртаган жонни. Шу мероснинг ворислиги Широкқа тўшган. Уша мерос Мўқаннинг қайнатган қонини. Ифбат тўла, латофатли Тумарисқоним — Юрагини чўйган ҳам шу мерос эди. «Ватанимнинг эрки учур Бераман жоним, Ким тажовуз қилси — қонга қўяман!» дедди. Ватан эркин озу қилпб неча чўлпонлар Каломини қўлоп этди, сабаби — мерос. Ватанидан узоқ, тўзоқ жойда Усмоналр, Ватан дея, эрки дея жон бергани рост. Юрт эрки деб қўрашганлар рўйи олада Бошим эгик, лек юрагим қарийда қасам... Токи алплар қони жўша мерос қонимда, Токи уша мерос экан менда мужжасам. Мен Ватанимнинг эрки дея ишарман ҳамон Ватан учун керак бўлса берадурман жан.

Ноадра РАШИПОВА.

БАҲОР ЁМГИРИ

Ёмғир ёғар, томчилар гўе қўшиқ қўйлайди. Она ер сўқунат-ла кўк розини тинглайди. Навбахор ёмғирлар эркалайди заминни Сил-сил ёғар кун бўйи, ёмғир спра тинмайди. Сахилликка нур сочиб бир пайт чўқар қўш. Оби ҳаётга тўйган мақсалад кўтарар бош. Томчилар икргадек товланад гулларда, Кўкам палласиде бу — чўрой очил ҳатто тош. Ёмғир ёғар томчилар гўе қўшиқ қўйлайди. Она заминни олқаб бағрида ардоқлайди. Ҳаёт гўзаллигидан унга оғзлайди эртан, Замин аста ҳаётбахш муқинани тинглайди.

Махбуба РАҲИМЖОНОВА.

ҚИРҚ КОКИП ТАЪРИФИ

ҚИРҚ КОКИП Бўлмаса, жонон ахир жононмас. ҚИРҚ ЖАЛПОУ шамширға ошп қалбим қалқонмас. ҚИРҚ ҚОЛЛОУ ул санамининг қирқта фарёдан эрвуд. ҚИРҚ КОКИП қалб торпм, у нолам, кўй-достонмас. ҚИРҚ КОКИП Белларига чўлғонса, вох, мастона. ҚИРҚ КОКИП доор эрвуд, ўй отувчи қаноммас. ҚИРҚ КОКИП ер келгач, кўкда ой ҳам уйлар. ҚИРҚ КОКИП дилдорнинг сочини сплаш осонмас. ҚИРҚ КОКИПнинг мушқилли, ошпқ қалбларда роҳат. ҚИРҚТА шеър эзмаса гар, Баҳодир газалқонмас.

Баҳолап СОВИТ.

Лобарларимиз

ҚАЛБ ҚУРИ МУЖАССАМ

нида барқ уриб турибди. — Менинг бу касбда ишлаётганимга уттиз йилдан ошди. Аммо ҳар гал попоп сеҳидан янги маҳсулот чиққанини курганимда, ҳали кўп нарса ўрганишим керак эканда, деб қўяман. Юрагим нимагадир ҳапқириб, қилаётган ишимга бутун борлигимни, қалб қуримни мужжасам этгим келарди, — дейди Рихсиҳон Нурмухамедова. — Ана шундагина сифатли тиқиб чиқарилган маҳсулотимиз бизларни машхур этади. Бунга ишончим қомил. Чўнки кейинги вақтда миллий урф-одатларимиз яна муқтадирлигини билан бир қаторда уларга мос

сатмай қўймайди. Чўнки утган йилининг айни баҳориде эсдалик панноларидан «Анор», Улугбек сиймоси туширилган палак туғилган эди. Бу гал ҳам севимли айёмларимиз олдида бир неча турдаги янги маҳсулотларни тиқибга киришганмиз. Корхонадаги она-сингилларимизнинг фикри-уйлари ўғил-қизларимизнинг барқамол бўлиб етишишларида бор кучларини аямай меҳнат қилиш. Хонадонингизга «Шарқ гули» белгиси туширилган маҳсулотдан кириб келдики, демек бизларнинг қалб қуримиз Сизлар билан. Бизнинг машхурлигимиз ҳам ана шунда.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

ЗИЁ ЧАШМАСИ

Онанинг озор бергани фарзанд учун ошпқ қорнинг зарраларидек, онанинг аразлагани эса, қўш нурида айлраган ёмғир томчиларидек... гоат ўткинчидир.

Оналар улимдан қўрқмайдилар. Улим жон олади, она эса жон ато этади. Шунинг учун улимнинг умри қисқа онанинг умри мангудир.

Она ҳаётнинг тоғдек юкнин ҳам кўтаришга тайёр... агар фарзанд унга асл таянч бўлса.

Оқила РАИМОВА тайёрлаган.

Кейинги пайтларда, жаҳон майдонларида, Ўзбекистоннинг спорт усталари орасида энг яхши натижага эришаётган фристайл бўйича Олимпия чемпиони Лина Черязова

«ГАЛАБАЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА»

— Лина, спортга қизиқишингиз қандай бошланган? Оилангиз ёки қариндошларингиз ичиде спортчилар борми?

— 7 ёшимдан бери спорт билан дўстлашганман. Йўқ, оиламизда ҳам, қариндошларим орасида ҳам спортчилар бўлмаган. Факатгина ота-онам ёшлигимда менинг бирор спорт тури билан шуғулланишимни истаганди, хони эгаллагандим. Бу — менинг чет элдеги биринчи йирик муваффақиятим бўлган.

— Спорт туғайли жуда кўп мамлакатларда бўлгансиз. Олис юртларнинг одамлари, одатлари ҳақида таассуротларингиз қандай?

— Буларни айтмасам тугамайди. Оврупо, Америка, у ёқларда одамлар, лекин... бари-



бир ҳеч қайси бири ўзимизнинг кишиларга ўхшамайди. Биласизми, улар куча-қўйда, жамоат жойларида бир-бирларига аллақандай... бегонага ўхшаб туюладими-ей. Юртимизда одамлар уртасидаги меҳр-оқибат, илиқлик, санимийлик, меҳмондўстлик қаби хислатлар бошқа ҳеч жойда биздагидек юксак ривожланмаган. Ана шуларни қўриб, бу Ватанда туғилганимга минг мартаба шўкр қиламан.

— Кишилардаги қайси хислатларни кўпроқ қадрайсиз?

— Иродали, қатъиятли, ўз мақсадига эришиш учун қўраша оладиган, бу йўлдаги ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга қодир бўлган инсонларни еқтираман.

— Яхши спортчиларга «харидорлар ҳам кўп бўлади. Сизни чет мамлакатларга ҳам таклиф қилишганми?»

— Турли-туман таклифлар жуда кўп бўлган. Лекин тугғилиб, усган жойим — Тошкент. Шунинг учун ҳам бошқа юртлар шаънини ҳимоя қилишни ҳатто тасаввур ҳам қилмайман. Ғалабаларим Ватаним ва шахсан Президентимиз томонидан юксак тақдирланди. Мана шундай гамхўрликлардан сўнг бошқа юртларга ўтиш ҳақида уйлашимиз ўзидек ортиқча бўлмайди!

— Олимпия чемпиони Лина Черязова келгусидаги режалари қандай?

— Режаларим улкан. Энг каттаси — 1998 йилда Японияда бўладиган Олимпиядада қатнашим. Унганча ҳам жуда кўп мусабақалар, чемпионатлар бўлади, албатта, айтмоқчиманки, насиб этса ҳали кўп ғалабалар олдинда!

Бахтиёр ХАЙДАРОВ суҳбатлашди.

ДУШАНБА, 6

УзТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ешлик» студияси. «Яхшиларга эргашди».

19.55 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.15 «Калбим кўри».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

УзТВ II

«Тошкент» студияси таништириди:
18.30 Болалар учун. «Кўзумчоқ».
19.00 «Дехон химмати».

«ОМАД» таништириди:

20.30 «Сова».
21.00 «4/8». Мусикий кўрсатуви.
21.15 Жаҳон географияси.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Лабиринт».
18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».
18.50 Янгиликлар.

«ОМАД» таништириди:

20.30 «Сова».
21.00 «4/8». Мусикий кўрсатуви.
21.15 Жаҳон географияси.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Гулгунчалар».
18.25 «Ишбилармон».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика).

УзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш кўрсатуви.
9.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Қирқ биринчи йил олмалари». Бадий фильм.

УзТВ II

«Тошкент» студияси таништириди:
10.00 — 13.00 «Аёллар, Сизлар учун!»
18.30 «Даниил». Мультифильм.
18.55 «Акс-садо».

УзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

УзТВ II

«ОМАД» таништириди:
18.30 «Мультифейерверк».
18.55 «Жаҳон ҳайвонот боғлари».

УзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Осейшталек посбонлари». Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...

УзТВ II

«ОМАД» таништириди:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Жазоба».
18.55 «Бир шингил хангома».

УзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

УзТВ I

«ОМАД» таништириди:
18.00 «Мультикарусель».
19.55 «Безнен мирас» (татар тилида).

УзТВ II

«ОМАД» таништириди:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 Жозоба.
10.25 «Бир шингил хангома».

УзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

УзТВ II

«ОМАД» таништириди:
9.00 «Махтумқули». Бадий фильм.
10.25 «Кафолат».

УзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

УзТВ II

«Тошкент» студияси таништириди:
18.30 Болалар учун. «Учқун».
19.00 «Спорт — тайм» видеоканали.

УзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 «Мультикарусель».
19.55 «Ешлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
20.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

УзТВ I

«ОМАД» таништириди:
21.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 «Панорама».
22.00 «Компьютер—Осиё».

УзТВ II

«ОМАД» таништириди:
18.00 «Сизга қўшиқ куйлаб бераман».
18.20 «Инсон ва қонун».

УзТВ I

«ОМАД» таништириди:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 Жозоба.
10.25 «Бир шингил хангома».

УзТВ II

«ОМАД» таништириди:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 Жозоба.
10.25 «Бир шингил хангома».

УзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

УзТВ II

«ОМАД» таништириди:
9.00 «Мультифейерверк».
9.25 «Жаҳон ҳайвонот боғлари».

УзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

УзТВ II

«Тошкент» студияси таништириди:
18.30 Болалар учун. «Учқун».
19.00 «Спорт — тайм» видеоканали.

УзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

23.05 — 23.15 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 «Брайн ринг».

УзТВ I

«ОМАД» таништириди:
21.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 «Панорама».

УзТВ II

«ОМАД» таништириди:
18.00 «Сизга қўшиқ куйлаб бераман».
18.20 «Инсон ва қонун».

УзТВ I

«ОМАД» таништириди:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 Жозоба.
10.25 «Бир шингил хангома».

УзТВ II

«ОМАД» таништириди:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 Жозоба.
10.25 «Бир шингил хангома».

УзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

УзТВ II

«ОМАД» таништириди:
9.00 «Мультифейерверк».
9.25 «Жаҳон ҳайвонот боғлари».

УзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

УзТВ II

«Тошкент» студияси таништириди:
18.30 Болалар учун. «Учқун».
19.00 «Спорт — тайм» видеоканали.

УзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

МАЖЛИС

байрам арафасида товарларни 30 фоиз арзон нархда сотувга қўйди.
Францияда ишлаб чиқарилган атторлик моллари, нафис атирлар, туалет суви, хушбўй атиргул, лимон, майсалардан тайёрланган шампуналар, дезодорантлар, парадантоз касаллигини даволаш учун қўлланиладиган тиш пастаси, атир совунлар.

МУҚИМНИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚИЙ ТЕАТРИ БИНОСИДА
1995 йил 8, 12, 25 март кунлари
АБДУХОЛИҚ МАМАРАСУЛОВ
пштироқида
«МЕНИ КЕЧИРИНГ...»
Театрлаштирилган янги концерт дастури (юлғи кечаси).

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОПИИ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ТИЖОРАТ ТЕХНИКУМИ
1995 йилда техникумнинг кундузги ва сиртки бўлимига кирувчилар учун пулли тайёрлов курсларига қабул эълон қилинди.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА
Кабель капитал ремонт қилиниши муносабати билан Фарғона йўли кучаси: 15, 21, 23, 25, 222-уйлар ва «19 февраль» — 2-уйларда 13 МАРТГАЧА 91/93 АТС билан телефон алоқаси бўлмайд.

Энг арзон нархда ҒАЛПАДАН ТАЙЁРЛАНГАН СПИРТ СОТИЛАДИ.
Нархи яна ҳам арзонлаштирилиши мумкин. «ГОСТ 5962 — 67».

Узбекистон автомобил-созлик корхоналари уюшмаси ижро аппарати уюшмаси раиси муовини А. У. Ҳасановга отаси Умар ҲАСАНОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор этади.

«Шарк» нафит-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Шуфон» кўчаси, 44-уй.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ КЎРСАТУВЛАРИ

18.00 «Гулгунчалар».
18.25 «Ишбилармон».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика).

Муассас: Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитида рўйхатга олинган. Рўйхат соғи ~ 10.

Манзили: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат заҳарларини joyлаштириш масаллари бўйича ~ 56-54-68, 32-56-66.

Эълонлар ва тижорат заҳарлари аниқ ва таърифи учун жавобгарлик қилиш берилган шартлар билан шартнома имзоланиши мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қўроқ бичими - А-2. Газета IBM компьютерида теридади ва сақланади. Наҳр кўрсатиши - 64690.

«Шарк» нафит-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Шуфон» кўчаси, 44-уй.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чикади. Буюртма Г—0104

«Босмага берилг вақти 11.30. «Босмага берилди.